

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**180** Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
4 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2111*

*(2010 йил 14 июндан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 3 май,  
37-сон

**Р. АЗИМОВ**

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2010 йил 3 май,  
2010-20-сон

**Б. ПАРПИЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси-  
нинг 2010 йил 3 майдаги 37, 2010-20-сон  
қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг  
шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига  
ихтиёрий равишда йўналтириладиган маблағларга жисмоний  
шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёзни  
қўллаш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон) мувофиқ 2010 йил 1 январдан бошлаб фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинмайди.

2. Ушбу Низомнинг 1-бандида назарда тутилган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёз жисмоний шахсларнинг солиқ солинadиган даромадларини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммаларига (кейинги ўринларда жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари деб юритилади) камайтириш (кейинги ўринларда солиқ чегирмаси деб юритилади) тарзида берилади.

**II. Имтиёзни қўллаш тартиби**

3. Солиқ чегирмаси солиқ солинadиган иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадларини ўзининг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига ихтиёрий равишда ўтказган жисмоний шахсга берилади.

4. Солиқ чегирмаси даромад олувчи жисмоний шахснинг ушбу Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ аризасига асосан тўлов манбаида тақдим этилади.

Агар тўлов манбаига жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ушлаб қолиш ва ўтказиш мажбурияти юклатилмаган бўлса, солиқ чегирмаси жисмоний шахсга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган тартибда жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларациясига асосан тақдим этилиши мумкин.

5. Ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган аризининг тақдим этилиши жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлов манбаида ушлаб қолмаслик учун асос бўлади.

6. Солиқ чегирмаси жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган суммага, жисмоний шахснинг ҳисобланган даромади миқдорида берилади.

7. Иш берувчи жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказиладиган маблағларни иш ҳақини тўлаш муддатидан кечиктирмай ўтказди.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки филиаллари ҳисобот йилидан кейинги йилининг 15 февралига қадар тегишли ҳудудий давлат солиқ хизмати органига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига маблағларни ихтиёрий равишда ўтказган жисмоний шахсларга жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўғрисида маълумотларни ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этади.

9. Агар жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий бадаллар тарзида тушган маблағлар солиқ даври тугагунига қадар тўланидиган бўлса, ушбу маблағларга жисмоний шахснинг жами йиллик декларацияси асосида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинади.

Масалан, ишлаётган пенсионер 2010 йилда аризасига асосан ихтиёрий равишда 600 000 сўм миқдоридаги иш ҳақи ва бошқа даромадларини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига йўналтирди ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланди. Дейлик, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра жисмоний шахснинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлар 2 000 000 сўмни ташкил этган. 2010 йилнинг 10 декабрида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан 2 300 000 сўм, шу жумладан аввал шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ихтиёрий равишда ўтказган ва жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғидан озод этилган 300 000 сўм миқдоридаги маблағларни олди. Шундай қилиб, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан олинган 300 000 сўм миқдоридаги маблағларига жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияси асосида жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғига тортилади.

### III. Маълумотларни тақдим этиш тартиби

10. Иш берувчилар ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестрини Ўзбекистон Республикаси Халқ банкнинг хизмат кўрсатувчи филиалига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этади.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 30-кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказилган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этади.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги чоракнинг иккинчи ойининг 10-кунига қадар, йил якунлари бўйича эса — 5 апрелдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда ўтказилган маблағлар миқдорига солиқ чегирмасини қўллаган жисмоний шахслар сони тўғрисидаги маълумотларни ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда тақдим этади.

13. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки филиаллари ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган муддатларда давлат солиқ хизмати ҳудудий органларига иш берувчилар томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 февралига қадар тақдим этилган маълумотлар асосида маълумотларни тақдим этади.

#### IV. Яқуний қоидалар

14. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томондан давлат солиқ хизмати органига тақдим этилган жисмоний шахсларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тўловлар тўғрисидаги маълумотлар солиқ сири ҳисобланади ва ошкор этилмайди, бундан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган ҳоллар мустасно.

15. Ушбу Низомда назарда тутилган солиқ чегирмаларининг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

16. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки билан келишилган.

*Халқ банки раиси*

**М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

*2010 йил 3 май*

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги  
 фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган  
 пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий  
 равишда йўналтириладиган маблағларга  
 жисмоний шахслардан олинадиган даромад  
 солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби  
 тўғрисидаги низомга  
 1-ИЛОВА

---

(Юридик шахснинг номи)

### АРИЗА

Мен, \_\_\_\_\_ Сиздан иш ҳақимдан  
 (Ф.И.О.)  
 ва (ёки) бошқа даромадимдан бир йўла (ҳар ой) \_\_\_\_\_  
 (тагига чизилсин) (сумма ёзиб кўрсатилади)  
 миқдорида менинг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағимга ўтказишингизни сўрайман.

Шундан хабардорманки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ жисмоний шахслар даромадларининг Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда йўналтириладиган суммалари жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилади. Бунда, агар мен ушбу маблағларни қайси солиқ даврида ўтказган бўлсам, ушбу солиқ даврида ундан фойдаланадиган бўлсам, ушбу маблағларга жисмоний шахснинг жами йиллик декларацияси асосида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган тартибда солиқ солинади.

---

(Ф.И.О.)

---

(имзо)

---

(сана)

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги  
фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган  
пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий  
равишда йўналтириладиган маблағларга  
жисмоний шахслардан олинadиган даромад  
солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

(Давлат солиқ хизмати органининг номи)

### Халқ банки филиали тўғрисида МАЪЛУМОТ

СТИР

|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|--|--|

Тўлиқ номи

---

Жойлашган ери

---

Почта манзили

---

Телефон: код

|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|

рақам

|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
|  |  |  |  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|--|--|--|

### Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий равишда маблағларни ўтказган жисмоний шахсларга жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўғрисида МАЪЛУМОТЛАР 20\_\_ йил учун

(сўм)

| Жисмоний<br>шахснинг<br>ШЖБПХ | Жисмоний<br>шахснинг Ф.И.О. | ШЖБПХда<br>йил бошида<br>маблағлар<br>миқдори | Йил давомида келиб<br>тушган |                                     | ШЖБПХдан<br>тўланган<br>маблағлар | ШЖБПХда<br>йил охирида<br>маблағлар<br>миқдори |
|-------------------------------|-----------------------------|---|------------------------------|-------------------------------------|-----------------------------------|--|
|                               |                             |   | жами                         | шу жумладан<br>ихтиёрий<br>бадаллар |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |
|                               |                             |   |                              |                                     |                                   |  |

Халқ банки  
филиали раҳбари

М.Ў.

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги  
 фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган  
 пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий  
 равишда йўналтириладиган маблағларга  
 жисмоний шахслардан олинадиган даромад  
 солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби  
 тўғрисидаги низомга  
 3-ИЛОВА

**Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига  
 ихтиёрий равишда ўтказилган маблағлар тўғрисидаги  
 МАЪЛУМОТЛАР  
 20\_\_ йилнинг \_\_ чораги учун**

| Т/р  | Кўрсаткичлар   |  |
|------|--|--|
| 1.   | Жисмоний шахслар сони (киши):  |  |
| 1.1. | йил бошидан  |  |
| 1.2. | ҳисобот чораги учун  |  |
| 2.   | Жамғариб бориладиган Ихтиёрий пенсия<br>бадаллари суммаси (млн сўм): |  |
| 2.1. | йил бошидан  |  |
| 2.2. | ҳисобот чораги учун  |  |

Раис ўринбосари \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О)

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банкидаги  
фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган  
пенсия ҳисобварақларига ихтиёрий  
равишда йўналтириладиган маблағларга  
жисмоний шахслардан олинadиган даромад  
солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

**Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига  
ихтиёрий равишда ўтказилган маблағлар миқдорига солиқ  
чегирмасини қўллаган жисмоний шахслар сони тўғрисидаги**

**МАЪЛУМОТЛАР**

**20\_\_ йилнинг \_\_ чораги учун**

| Т/р  | Кўрсаткичлар  |  |
|------|---|--|
| 1.   | Солиқ чегирмасини қўллаган жисмоний шахслар сони<br>(киши): |  |
| 1.1. | йил бошидан   |  |
| 1.2. | ҳисобот чораги учун   |  |
| 2.   | Имтиёз суммаси (млн сўм):                                   |  |
| 2.1. | йил бошидан   |  |
| 2.2. | ҳисобот чораги учун   |  |

Раис ўринбосари

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О)

М.Ў.